

11-11-2019

THE PLACE OF AZIZUDDIN NASAFI'S SCIENTIFIC HERITAGE IN THE DEVELOPMENT OF SUFI TEACHING

Mamajan Ahmadjonovich Mamatov

Professor of Fergana state University doctor of philosophical science

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Mamatov, Mamajan Ahmadjonovich (2019) "THE PLACE OF AZIZUDDIN NASAFI'S SCIENTIFIC HERITAGE IN THE DEVELOPMENT OF SUFI TEACHING," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 11 , Article 18.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss11/18>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

THE PLACE OF AZIZUDDIN NASAFI'S SCIENTIFIC HERITAGE IN THE DEVELOPMENT OF SUFI TEACHING

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2019 йил 11 сон

СУФИЙЛИК ТАЪЛИМОТИ РИВОЖИДА АЗИЗИДДИН НАСАФИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ ЎРНИ

Маматов Мамаджан Ахмаджанович

Фарғона давлат университети профессори в.б., фалсафа фанлари доктори

Аннотация: Мақола қашқадарёлик буюк мутафаккирлардан бири Азизиддин Насафийнинг илмий ижоди тадқиқига бағишланган. Тасаввуф таълимоти тарихида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаган машҳур асарлари таҳлили асосида олимнинг суфийёна қарашлари ёритилди.

Таянч сўзлар: Тасаввуф, олами кубро, олами суғро, олами гайб, олами шуҳуд, зот, мулк, малакут.

МЕСТО НАУЧНОГО НАСЛЕДИЯ АЗИЗИДДИНА НАСАФИ В РАЗВИТИИ СУФИСТКОГО УЧЕНИЯ

Маматов Мамаджан Ахмаджанович

Профессор Ферганского государственного университетета доктор философских наук

Аннотация: Статья посвящена исследованию научного творчества одного из великих мыслителей Кашкадарьи Азизиддина Насафий. На основе анализа известных произведений ученого, занимающих особое место в истории суфийского учения освещены взгляды ученого на мусульманскую мистику.

Ключевые слова: Суфизм, мир большой, мир малый, мир скрытный, мир свидетельств, сущность, материальный мир, идеальный мир.

THE PLACE OF AZIZUDDIN NASAFI'S SCIENTIFIC HERITAGE IN THE DEVELOPMENT OF SUFI TEACHING

Mamatov Mamajan Ahmadjonovich

Professor of Fergana state University doctor of philosophical science

Abstract: The article is devoted to the study of the scientific work of one of the great thinkers in Kashkadarya region of Uzbekistan Aziziddin Nasafi. Based on the analysis of the scientist's famous works occupying a special place in the history of Sufi teachings, the scientist's views on Muslim mysticism are highlighted.

Keywords : Sufism, world big, world small, world secretive, world of evidence, essence, material world, ideal world.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримовнинг Қашқадарё маркази Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида ҳам бу табаррук шахслар номига айтилган илиқ сўзлар ҳамон халқимиз ёдидадир [1;70]. Ўзбекистон, жумладан, Қашқадарё воҳаси жаҳон цивилизациясига салмоқли ҳисса қўшган кўплаб олимларнинг ватанидир. Мисрлик тадқиқотчи доктор Абдулоҳ Сааднинг “Ўрта Осиё олимлари қомуси”, деб номланган китобида номлари зикр этилган машҳур кишилар орасида “Насафий” таҳаллуси билан

тарихда ном қолдирган кишилардан 22 таси тўғрисида қисқача маълумотлар берилган [2; 362-366.].

Шулардан бири - сўфийлик таълимоти ривожда муҳим роль ўйнаган илмий асарлар муаллифи Азизиддин Насафийдир.

Дарҳақиқат, мутафаккирнинг асарларида “қадимги юнон фалсафаси, шариат, ваҳдат ул вужуд аҳли ва файласуфларнинг қарашлари таъсири сезилади ва мутасаввифнинг борлиқ ҳақидаги концепцияси ўзига хос тарзда алоҳидалик касб этади.

-мутасаввифнинг борлиққа оид қарашларида олам, айниқса “олами кубро” ва “олами суғро” тушунчаларига махсус эътибор берилган.

-Насафийнинг борлиқ ҳақидаги концепцияси вужуд, жисм, жавҳар, мулк, малакут, кўшилиш, аралашш, уруж, нузул, алоҳидалик каби тушунчалар билан бойитилган [3; 95].”

Шунингдек, ўз долзарблигини йўқотмаган, аксинча, бугунги кун жамиятида биринчи галдаги вазифалар қаторида турган “комил инсон ҳақидаги ғоялар катта ижтимоий-ахлоқий аҳамиятга эга бўлади, инсонни шарафли, эзгулик ва Буюк хайр руҳида тарбиялаш, меҳру муҳаббат, вафо ва садоқатни кучайтиришга хизмат қилади. Ҳар замон, ҳар лаҳзада инсонларга уларнинг инсонлигини эслатиб, ёвуз, қабиҳ, ишлар, ножўя қилиқлардан сақланишга кўмаклашади, иймон ва виждон биносининг пойдор бўлишини таъминлайди [4;138.].”

Азизиддин ибн Муҳаммад Насафий 1240 йилда Насафда (Қарши шаҳрининг қадимги номи) туғилган, деб тахмин қилинади. Насафий 1330 йилда Эроннинг Язд вилояти Абиркуҳда вафот этган. Айрим манбаларда у 100 йил умр кўрган деб қайд этилган.

Илм-маърифатга беҳад қизиққан Насафийнинг ёшлик даври Хоразмда ўтган. Мўғуллар истилоси даврида Бухоро, Баҳробод, Исфахон ва Шерозда яшаб, замонасининг буюк мутафаккирлари билан мулоқотда бўлган, ўзига яқин маслакдошлар билан ижодий ҳамкорлик қилиб, мухолифлари билан мунозаралар олиб борган.

Аллома араб ва форс тилларида нодир асарлар ёзиб қолдирган. Унинг қўлёзмалари бугунги кунгача жаҳоннинг турли илмий марказларида, жумладан, Тошкент давлат Шарқшунослик институти қошидаги Шарқ қўлёзмалари марказида ҳам сақланиб келмоқда.

Насафийнинг асарлари дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган. Жумладан, баъзилари таниқли олим, профессор Н.Комилов томонидан ўзбек тилига ўгирилган. Булар орасида Насафийнинг 22 та рисоладан иборат “Инсони комил” тўплами алоҳида маънавий ва тарбиявий аҳамиятга эга. Ундаги “Баёт ут-танзил” асари ирфон ва ҳикмат масалаларига бағишланган бўлса, “Мақсад ул-ақсо” (Сўнги мақсад), “Зубдат ул-ҳақойиқ”, (Ҳақиқатлар қаймоғи), “Усул ва фурув” (Илдизлар ва бутоқар), “Мабдаъ ва маъод” (Асл макон ва (унга) қайтиш), “Мифтоҳ ул-асрор” (Сирлар калити), “Нафси инсоний”, “Ваҳдати вужуд” рисоалари инсон ва оламнинг уйғунлигига оид таълимот талқин этилган бутун бир туркумни ташкил қилади.

Тарихий-фалсафий адабиётларда Насафийга гоҳ калом тарафдори, гоҳ перипатетиклар, гоҳ сўфийлик ғояси - ягоналик тарафдори сифатида қаралади. Бу эса муаллифнинг тадқиқот объектларига холисона ва илмий ёндашганлигидан дарак беради. Фалсафа, теология, сўфийликнинг ўзаро боғлиқлиги тўғрисидаги ғоялар Азизиддин Насафийнинг “Зубдат ул-ҳақойиқ” асари, “Кашф ал-ҳақойиқ”, “Инсони комил” рисолаларида ўз аксини топган.

Жумладан, “Ваҳдати вужуд” асарида теологиянинг энг муҳим масалалари қамраб олинган. Шу жиҳатдан, Насафийни Ибн Арабийнинг маънавий маслақдоши деса ҳам бўлади. Асарда илоҳиётшуносликнинг учта асосий оқими изоҳлаб берилади: биринчиси-асл шариатга мойиллар (аҳли шариат), иккинчиси - асл ҳикматга мойиллар (аҳли ҳикмат), учинчиси эса - асл ваҳдат (аҳли ваҳдат) йўллари, анъаналаридир.

Насафий ўзининг Бирлик (аҳли ваҳдат) тарафдори эканини “Зубдат ул-ҳақойиқ” асарида баён этган.

“Зубдат ул-ҳақойиқ” икки қисмдан иборат бўлиб, биринчисида макрокосмос, иккинчисида одам ҳақида сўз юритилади [5; 43.].

Теологиянинг барча асосий масалаларини назарда тутиб, ва уларнинг ҳар хил талкинларини келтириб, аллома мусулмон илоҳшунослигининг яхлит мажмуасини яратди. Кейинчалик китобнинг учинчи қисмини ёзиб, “Солик ва сулук ҳақида”, деб номлади ва учала қисмда олам, одам ва йўл ҳақидаги тушунчаларни яхлит тарзда изоҳлаб берди.

Азизиддин Насафийнинг диний-мистик қарашлари энг муҳим масалаларни, биринчи навбатда, “олами куброни билиш” таълимотини ўз ичига олади. У шундай деб ёзади: “Бир гуруҳ дарवेशлар бу фақирдан олами кубро ва олами суғро ҳақида, мабдаъ ва маод ҳақида бир рисола битишимни ва унда мабдаъ (бошланиш) хилма-хилми ёки биттами, ҳар бирининг маъоди (қайтиши) хилма-хилми ёки биттами, нузул ва уруж нима, аввал бошда нузул бўлиб, кейин уруж бўлганми ёки аввал уруж, сўнгра нузулми деган масалаларни тушунтириб беришимни илтимос қилдилар. Улар яна барча илм аҳли фикр-мулоҳазаларини холисона баён этиб беринг, биронтасини ҳам афзал ҳисобламай, нима деган бўлса, шуни келтиринг деб, сўрадилар. Мен уларнинг илтимосини қабул қилиб, сўраган нарсаларини бир жойга тўпладим [6; 4.].”

Азизиддин Насафийнинг диний-мистик дараҳлари энг муҳим онтологик масалаларни, биринчи ўринда “олами куброни билиш” таълимотини ўз ичига олади. “...Олам зот ва сифатларнинг исмларидан иборатдир. Зот (жавҳар) ва сифатларни жамлаб, олам дейдилар ва зот билан сифатларнинг ҳар бирининг кўриниши ҳам олам деб номланади. Олам ўзининг аввалида икки қисмдан иборат: биринчи қисмини олами ғайб (яширин олам), иккинчи қисмини олами шуҳуд (кўринадиган) деб айтадилар. Булар икки оламини миқдорий ва куллий (умумий, яхлит) маъноларда турли номлар билан тилга оладилар. Масалан: холиқият олами ва ажр олами, мулк олами ва малакут олами, жисм олами ва руҳ (жон) олами, ҳислар олами ва шуур олами, нур олами ва соя (зулмат) олами ва шу кабилар. Бу

номлар ҳар икки олам-олами ғайб ва олами шуҳудга ишорадир [6; 5.]”,-деб ёзади А.Насафий.

Шарқ арастучилари асосан антик атомпарастлар далилларини келтириш билан чекланардилар, Калом атомизми билан антик атомизм ўртасидаги фарққа етарли эътибор бермасдилар [7; 13.]. Бу қарашларга суфийлар қарши чиқиб, Аллоҳ, табиат ва инсон бирлиги ғоясини қатъий ҳимоя қилганлар. Шу борадаги баҳснинг моҳияти Насафийнинг куйидаги фикрларида ўз ифодасини топган: “Бирламчи ҳаюло сурат ва шакллар кирадиган жавдardир. Ҳаюло тўрт қисмдан иборат. Масалан, темир ва дарахт жавҳарнинг моҳияти бўлиб, кўп шакл ва суратларни олиши мумкин... Ваҳдат аҳлининг фикрича, гарчи ҳар икки оламнинг ҳақиқати-ваҳдати соф (соф ягоналик) бўлсада, аммо у ҳар бир молик бўла оладиган сифатда ва қобил бўлғучи ҳар бир суръатда таърифлана олади: ушбу сифат ва ушбу суръат фақат айни сифатнинг даражаси ва айни суръатнинг даражасида комилликка эришиши мумкин. Унинг фазилатининг такомили мана шунда [6; 27-28.]”

Руҳ ва жон, борлиқ ва уни билиш тўғрисидаги қарашлар суфийларнинг асарларида кенг ўрин эгаллайди. Насафий ҳам бу диний-фалсафий мавзуга жиддий эътибор қаратган. Вужуд Аллоҳнинг ўзи эканлигини таъкидлаган, олам унинг ботиний вужуди нурдир ва у нур ўша олам жонидир, унинг боши ҳам, охири ҳам, чегараси ҳам йўқ деб уқтиради.

Илодий нур концепциясининг баёнида комил инсон мавзуси - инсоннинг ўзини ўзи англаши, ҳалоллик поклик илмга эришиш, риёзат чекиш каби бир қанча суфийёна қарашлар юзага чиқади.

“Борлиқ фақат битта ва у Субҳонаҳу ва таоло парвардигори оламнинг вужудидир. Субҳонаҳу ва таоло вужудидан бошқа вужуд йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас... Бу ягона вужуднинг (борлиқнинг) ботини нурдир ва у оламнинг жонидир ва бу нур ўзини дарчалар орқали зоҳир этади, ўзи айтиб, ўзи эшитади, ўзи бериб, ўзи олади, ўзи тасдиқлаб, ўзи инкор этади.”

“Эй дарвеш, - деб ёзади Насафий,-ушбу нурга етишганда, унга оят-аломатлар берилади. Биринчи аломат шуки, у ўзини кўришдан тўхтайдди, токи у ўзини кўрар экан, махлуқот касрати сақланган бўлади, токи у касратни кўрар экан, у ваҳдат аҳлидан эмасдир”.

Улуғ мутафаккир нарсаларнинг ички моҳиятини қалб кўзи билангина идрок этиш мумкинлигига эътиборни қаратади. Бодом данагида ёғни кўриш мумкинми ёки сут (таркибидаги) ёғини кўз билан кўрса бўладими? - деб, савол беради ва ёғ ҳатто сезгилар орқали қабул қилиниб, мулк олами (моддий олам) га мансуб булганда дам уни куриш мумкин эмас, дея ўзи жавоб беради. Ушбу фикрларини давом эттириб, аллома “Ўзидан бошланиб, ўзига қайтади” ёки “Ҳамма нарса ўз аслига қайтади”, - деган ғояни эътироф этади.

У инсон жисм ва руҳдан иборат дейди. Олимнинг таъбирича, одам борлиқ мевасидир. Вужуд силсиласининг мартабалари унинг хизматида. Олам яратилиши, барча улуғлиги ва азаматлиги билан бир инсондек. Одам ёлғиз ҳолда барча оламларнинг жамловчисидир [6; 46.]. Донишманд катта (макро) ҳамда кичик

(микро) олам ҳақидаги фикрларини хулосалаб, Тангри таоло инсонни ўз тимсолида яратди, бизнинг ақлимиз Тангрининг кичик оламдаги халифасидир, дейди.

Унинг “Зубдат ул-ҳақоийқ” китоби макрокосм - олам тўғрисида ҳамда микрокосм-одам тўғрисида. Теологиянинг барча асосий масалаларини назарда тутди ва уларнинг ҳар хил талқинларини келтириб, у мусулмон илоҳиётшунослигининг яхлит бир мажмуасини яратди. Мутафаккирнинг ўз китобининг учала қисми (олам, одам ва йўл ҳақида) ҳам битта нарсани билдиради деган сўзларини шундай талқин қилиш мумкин: одам ва оламнинг ҳақиқатан ўхшашлиги намоиши, олами куброни ҳақиқий билиш олами суғрони (инсонни) ҳақиқий билишга, ўзини-ўзи ҳақиқий билиш Аллохни билишга олиб келади. Бундан кўриниб турибдики, рисола таркиби равон ва яхлит бўлиб, барча асосий масалаларни қамраб олган. Насафий олам иборасининг ўзини диалектик йўл билан, қарама- қаршиликлар бирлигида ифодалаган. Бизнингча, бунда Насафийга аввалги сўфийларнинг билиш назарияси тўғрисидаги карашлари таъсири сезилади. Масалан, Ғаззолий ақлнинг чегараланганлиги ва ҳис қилиш орқали олинган билимнинг ҳақиқийлиги тўғрисидаги фикрни қўллаб- қувватлайди. Унинг шубҳа қилиш билишнинг синалган йўли тўғрисидаги фикрлари бундан далолат беради [8; 68.].

Насафий ўз билиш назариясида оламни билишда ҳис қилиш аъзоларининг инсон амалий ҳаётидаги ўрнини исботлайди. Насафий тасаввуф таълимоти асосий белгиларини шундай тавсифлайди:

Катта одамда нимаики бўлса, кичкина одамда ҳам мавжуд, нимаики кичкина одамда бўлса, у катта одамда ҳам бор.

Тасаввуфнинг умуминсоний, этник эстетик ғоялари яшовчан, ҳаётбахш бўлиб, сўфийликнинг олий мақсади-комилликка эришишдир. Комил инсон ғояси эса - “ҳам миллий, ҳам умумбашарий моҳиятга эга бўлган, одамзотга хос энг юксак маънавий ва жисмоний баркамолликни мужассам этган, уни ҳамиша эзгуликка ундайдиган олижаноб ғоядир [9; 15.].”

Азизиддин Насафийнинг маънавий устози Ибн Арабийнинг фалсафий антропологиясида комил инсон муаммоси марказий ўрин эгаллайди. “Инсони комил”, -бу уни Аллоҳ қандай яратган бўлса шундай шахс. Борликда илоҳий сифатлар алоҳида-алоҳида намоён бўлса, инсонда улар жамланган, чунки инсон олам ва Аллоҳ ўртасидаги восита. Шундай қилиб, комил инсон борликнинг барча оламга тегишли ташқи сифатларини ҳамда илоҳий ички сифатларининг қирраларини ўзида мужассамлаштиради.

Маънавий устозининг фикрларини ривожлантириб, Насафий ўз асарларида қимматли гуманистик имкониятларни бирлаштирганлиги учун ҳам ҳозирги замон ахлоқ меъёрларини сақлаб қолиш, уларни янада сайқаллаштириш ва комил инсон тарбиясида муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик жараёнлар натижасида фуқароларнинг эътиқодига муносабат ҳам либераллашгани учун тасаввуф тўғрисида аниқ тасаввур ҳосил қилиш ва бу таълимот ўз тарихи давомида комил

инсон шахсини шакллантириш бўйича орттирган ижобий тажрибасидан ҳозирги замон тарбия жараёнида фойдаланиш мумкин.

Мутафаккирнинг инсон тарбияси тўғрисидаги фикрлари кенг камровли ва эътиборлидир. Мусаффо сув ҳақида билмаган қуш умри давомида тумшуғини шўр сувда ушлаб туради, олдига тоза сув қўйилганида ҳам, ўзи ичиб келган ўша сувни истеъмол қилаверади, дейди у. Демак, инсонни тарбиялаш, уни болаликдан оламнинг мунаввар жамоли ва инъомлари билан таништириш зарур.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Азизиддин Насафийнинг сўфиёна фалсафасида илоҳиёт таълимоти устун туради. Шу билан бирга, унинг ғоявий қарашлари инсон, табиат ва Аллоҳнинг бирлиги, микрооламдаги инсон фаолиятининг аҳамияти, ақл ҳақидаги фикрлар, дунёни билиш мумкинлиги тўғрисидаги қарашлар билан уйғунлашиб кетган. Азизиддин Насафий ўз даврининг кўпгина донишмандлари каби Аллоҳни мутлақ эркин, ирода ва амалиётни эса унинг сифатлари деб ҳисоблайди. Инсонга илоҳий ирода берилганини, инсон бахти Аллоҳдан эканлигини таъкидлар экан, бахт - бу инсон амалиёти ва иродасидир, дейди.

Буюк юртдошимизнинг узок мозийдан бизгача етиб келган илмий меросини ўрганиш ўзбек фалсафаси тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Унинг ўзига хос талкинлари, ҳолисона илмий таҳлил қилиш, у ёки бу ёндашувларга ўзининг мустақил фикрини баён қилиш маҳорати бугун ҳам таҳсинга лойиқдир.

References:

1. Karimov I.A. Muazzam va mukarram shahar shodiyonasi. Asarlar to'plami. T.15. - T.: O'zbekiston, 2007. - B. 70.
2. Saad A.A. O'rta Osiyo Olimlari qomusi. - T.: Imom Buxoriy respublika ilmiy-ma'rifiy markazi nashriyoti, 2007. - B. 470.
3. Narziev Z. Aziziddin Nasafiyning borliq haqidagi qarashlari. Falsafa va tasavvuf: ma'rifiy dunyoqarashni shakllantirish muammolari va echimlari. mavzuidagi Respublika ilmiy-nazariy anjumani materiallari to'plami. - Buxoro: 2019.
4. Komilov N. Tasavvuf. - T.: Movarounnahr-O'zbekiston, 2009. - B. 448.
5. Mamatov M.A. Tasavvuf ta'limotining tarixiy-falsafiy mohiyati. - T.: Xalqaro islom akademiyasi. Nashriyot-matbaa birlashmasi, 2018. - B. 2.
6. Nasafiy Aziziddin. Zubdat ul-haqoyik. - T.: Kamalak. 1996.
7. Kamil I.T. Atomistika v islame i eyo mesto v srednevekovoy arabo-musulmanskoj filosofii.- M.: MGU, 1978.
8. Sufizm v kontekste musulmanskoj kulturi. - M.: Nauka, 1989. - S. 331.
9. Hojimatov M.M. Eng ulug', eng muqaddas maqsad barkamol avlod tarbiyasidir. Ma'naviy tahdidlar va ularga qarshi kurashning ilmiy-uslubiy hamda ma'naviy-mafkuraviy asoslari. mavzuidagi Respublika ilmiy-uslubiy konferensiyasi materiallari. - T.: Muharrir, 2010.

МУНДАРИЖА

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ

01.00.00

ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИЕ НАУКИ

PHYSICAL AND MATHEMATICAL SCIENCES

- 1 Асимптотическая минимаксность линейно-ядерных оценок функции распределения
Абдушукуров, А. А, Муминов А.Л..... 3
- 2 Trajectories of quadratic operators which map I_2 to itself
Juraev I.T..... 10
- 3 Maple tizimida parabolik turdagi xususiy hosilali differensial tenglama uchun aralash masalani to'rt usulida yechish
G.A.Nazarova, Z.O. Arziqulov..... 19
- 4 Краевая задача для уравнения четвертого порядка с сингулярным коэффициентом в прямоугольнике
Уринов А.К, Азизов М.С..... 26

КИМЁ ФАНЛАРИ

02.00.00

ХИМИЧЕСКИЕ НАУКИ

CHEMICAL SCIENCES

- 5 Охытропис *Rosea* о'симлигининг Efir Moylari Tarkibi
Sulaymonov Sh, Abdullayev Sh, Qoraboyeva B..... 38
- 6 Уйғунлаштирилган ярим даврий усулда натрий карбоксиметилцеллюлоза олиш
Сайпиев Т.С, Абдуллаев А.М..... 42

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

03.00.00

БИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ

BIOLOGICAL SCIENCES

- 7 Фарғона водийсида тарқалган дўлана (*grataegus* L.) ўсимлигининг микромицетлари ва касалликлари
Абдуразақов А.А, Юсуфжон Ғ. Ш..... 50
- 8 Анатомическое строение ассимилирующих органов *eruca sativa* mill. (сем. brassicaceae) при интродукции в Сурхандарьинской области
Муқимов Б.Б..... 56
- 9 Энергетический потенциал гумуса сероземов
Юлдашев Г, Хайдаров. М..... 62
- 10 Регуляция влияние 6"-п-кумароилпрунина на энергетической функции митохондрий с ионами кальция
Мамажанов М 67
- 11 Ғўзанинг *El-Salvador* ёввойи шаклида морфобиологик ва қимматли хўжалик белгиларини назорат қилувчи номзод генларни аниқлаш
Комилов Д.Ж., Бахрутдинова Н.З., Орипова Б.Б. , Кушанов Ф.Н..... 72

05.00.00 **ТЕХНИКА ФАНЛАРИ**
ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ
TECHNICAL SCIENCES

- 12 Robotni harakatini amalga oshiruvchi arduino platformasi
Abdullayeva Sh.I..... 79
- 13 Ахборот хавфсизлигига бўладиган таҳдидлар ва уларнинг таҳлили
Ғаниева Ш.Н, Азимжонов У.А., И.А. Қосимов..... 84

07.00.00 **ТАРИХ ФАНЛАРИ**
ИСТОРИЧЕСКИЕ НАУКИ
HISTORICAL SCIENCES

- 14 Давлат–тарихий-маданий анъаналар ташувчиси сифатида
Жўраев А.Т..... 89

09.00.00 **ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**
ФИЛОСОФИК ИЛМ НАУКИ
PHILOSOPHICAL SCIENCES

- 15 Maʼkurani tahlil etishning oʻziga xosligi
Mamatov O.V..... 95
- 16 Кечиримлилик: фалсафий-ирфоний таҳлил
Исақова З.Р..... 99
- 17 Инсон тақдирини англашдаги диний-фалсафий қарашлар ривожини
Мадримов Ж.Б..... 107
- 18 Сўфийлик таълимоти ривожини Азизиддин Насафий илмий меросининг ўрни
Маматов М.А..... 116
- 19 Жамиятимиз янги тараққиёт босқичида хотин-қизларнинг инновацион
(тадбиркорликка йўналтирилган) фаоллигини
Ғаниев Б.С..... 122
- 20 Huquqiy munosabatlarning ma'naviy jihatlari
Sultonov A.X 129
- 21 Таълим-тарбия – тараққиёт пойдевори: ижтимоий-фалсафий талқин
Амирхўжаев Ш.Қ..... 135

10.00.00 **ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PHILOLOGICAL SCIENCES

- 22 Ўзбек тилида антоним-синоним муносабатлар (“Ҳибатул ҳақойиқ” асари
лексикаси мисолида)
Сайидирахимова Н.С..... 142
- 23 Matn birliklari
Omonov A 147
- 24 Муаллиф ва таржимон ўртасидаги руҳий ўхшашликлар ва таржима сифати
Будикова М.Х..... 151

25	Ўзбек тилидан инглиз тилига бадий таржиманинг лингвомаданий таҳлили (Абдулла Қаҳҳорнинг “Анор” ҳикояси таржимаси мисолида) Досбаева Н.Т.....	157
26	Дейктик белгили сегмент қурилмалар прагматикаси Умурзоқова М.Э.....	163
27	“Минг бир қиёфа” романида замонавий аёл муаммоси Азизов Н.Н.....	168
28	Николас Роу ижодида “Амир Темур” тасвири Бобаханов М.Я, Турсунов А.Х.....	172
29	Ҳозирги ўзбек шеъриятида исёнкор руҳ ғоялари Тажибаева Д.....	177
30	Янги тушунчаларни ифодалаш усуллари Лазиза С.Х.....	182
31	Туркий халқлар адабиётида навоий анъаналари Рузибоев Т.....	186
32	Лисоний шахс типларини ажратиш принциплари Ниязова Д.Х.....	193
33	Источниковедческий анализ тазкире “Канз аль-куттаб” Ас-Саалиби Сулаймонова Х.М.....	196
34	Chet til ta`limda madaniyatlararo tafovut masalalari Abduqodirov U.N.....	201
35	Психо-аналитик тасвирнинг миллий колорит яратишдаги аҳамияти Мардонова Л.У.....	207
36	Метонимия асосидаги иборалар Қўчқарова О.А.....	211
37	Национально-культурная специфика английских и русских слов Джуманазарова З.....	215
38	Сухайлий шеъриятининг жанр хусиятлари Болтабоева О.Ю.....	219
39	Ижтимоий тармоқ контентни тижоратлаштириш воситаси сифатида Бекназаров К.Т.....	223

13.00.00

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ
ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PEDAGOGICAL SCIENCES

40	Boshlang'ich sinf o'quvchilarida sog'lom turmush tarzini shakllantirishda sayyohlik va turizmni ahamiyti Boltaboyev N.N.....	231
41	Jismoniy tarbiya tizimida sog'lom turmush tarzini shakllantirish usullari Azizov N.N, Azizov M.M.....	236
42	Sports lesson - time requirement Mikheeva A.....	240

43	Талабаларнинг ижодий фаолиятларини шакллантириш омиллари Умаров Қ.Б, Усманова Н.Қ.....	245
44	Qizlar jamoalari bilan ishlaydigan murabbiylar faoliyatining o'ziga xos xususiyatlari Azizova R.I.....	249
45	Метод shadowing в обучении языкам Жалолов Ш.....	252
46	Yosh avlodni barkamol qilib tarbiyalashda harakatli o'yinlarning ahamiyati Ismoilov T, Ismoilov G'.....	257
47	How to develop listening skills for students Nazarova Y.X.....	262
48	Мактабгача таълимда ахборот технологиясидан фойдаланишнинг назарий таҳлили Ботирова З.А.....	266
49	Ўқув жараёнида “бумеранг” методидан фойдаланишда вужудга келадиган муаммолар ва уларни олдини олиш йўллари Отамирзаев О.У, Зокирова Д.Н.....	270
50	Формирование лексических навыков в английском языке в средних школах Ботирова З.Х.....	274
51	Mavhum (abstrakt) san'atning miya faoliyati va tarbiya bilan o'zaro bog'liqligi Isafov A.A.....	279
52	Физика ўқитувчисининг таълимга Инновацион ёндашуви Бекназарова З.Ф.....	282
53	Бўлажак ўқитувчиларнинг мустақил фикрлаш маданиятини ривожлантириш моделини такомиллаштириш Қамбаров М.М.....	286
54	Характерида истерик белгилар бўлган болалар тоифалари ва уларни ўқитиш Хусанов А.А.....	293
55	Boshlang'ich ta'limda innovatsiyaning ro'li Махмудова Н.А.....	298
56	Malakali gandbolchilarning musobaqa faoliyatini o'rganish Azizov S.V.....	302
57	Таълимда ижодий ўйинлар Тажибоева Г.М.....	306
58	Мактабгача таълимда ривожланиш марказларини ташкил этиш муаммоларига доир Ўринова Ф.Ў.....	311
59	Тадбиркорлик фаолиятида умумахлоқий меъёрларнинг ўрни Эргашева Ф.И.....	316
60	Особенности преподавания математики гуманитариям Устаджалилова Х, А.....	321
61	Талабаларнинг ҳуқуқий компетентлигини ривожлантириш технологиялари Тилеуов Э.М.....	326

62	О'quvchi-yoshlarni faollik asosida ijtimoiy hayotga tayyorlash masalalari Abdullayeva N, Rahmonova Z.....	332
63	Оилада болаларнинг ижтимоий- ахлоқий сифатларини шакллантириш омиллари Ортиқова З.Н.....	335
64	Эффективность модели управления развитием международного сотрудничества высшего образовательного учреждения Юнусов Ш.Т.....	338
65	Alternative assessment as a means to develop study skills in esp classes in higher educational settings Kuchkarova Yana.....	343
66	Интеллектуальные компьютерные игры – как способ улучшения учебы детей Нажмиддинова Х.Ё.....	348
67	Кимё тарихи маълумотларидан фойдаланиш талабалар билим олишининг сифат ва самарадорлик омили Нишонов М, Холмирзаева З.....	351
68	Малака ошириш жараёнида информатика ўқитувчиларини ижодий тафаккурини ривожлантириш механизми Ахмедова Ш.....	356
69	Кластер ёндашуви асосида минтақавий таълим тизимини бошқариш Тоштемирова С.А.....	361
70	Олий таълим муассасаларида математикадан замонавий ўқув машғулотларини ташқил этиш – таълим жараёнидаги инновацион технологиялардан бири Зулфихаров И.М., Ўринов Б.О.....	367
71	Бўлажак тарбиячиларда ижодкорлик сифатларини ривожлантириш Қодирова З.....	371





